

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВА ШОХИСТА МУХАММАДЖАНОВНА

**МУҚАДДАС МАТНЛАРДА ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси.

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Султонова Шохиста Мухаммаджановна

Муқаддас матнларда замон категориясининг лингвомаданий
хусусиятлари3

Султонова Шохиста Мухаммаджановна

Лингвокультурологические особенности категории времени в сакральных
текстах27

Sultonova Shokhista Mukhammadjanovna

Linguocultural features of the category of time in the sacred texts51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works55

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВА ШОХИСТА МУХАММАДЖАНОВНА

**МУҚАДДАС МАТНЛАРДА ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси.

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона — 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Нурмонова Дилфуза Абдулхамидовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Fil.05.02 рақамли илмий кенгашининг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунни тарқатилди. (2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

М.Х. Ҳақимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д.

М.Т. Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

С.М. Мўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида замон категориясининг жамият ва алоҳида индивид ҳаётидаги ўрни, унинг миллий ўзига хослиги, уни идрок қилиш ва ифодалаш ҳамда оламнинг лисоний манзарасини акс эттириши билан боғлиқ лингвомаданий хусусиятлари масаласи илмий ва амалий аҳамиятга эга. Замон моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар мавжуд бўлишининг ажралмас атрибути ҳамда инсон турмуши ва онгининг муҳим таркибий қисми, борлиқнинг универсал категорияси сифатида турли соҳа олимларида, шу жумладан, тилшуносларда ҳам доимий қизиқиш уйғотиб келган ва ҳалигача илмий тадқиқотларнинг объекти бўлиб қолмоқда.

Дунё тилшунослигида замон категорияси асосан грамматик категория сифатида, шунингдек, маданий концепт, лисоний олам манзарасининг унсурларидан бири, маълум халқнинг лисоний-маданий феномени ва когнитив категория сифатида тадқиқ қилинган. Мазкур категория қадим даврларданок муқаддас битикларда ўзига хос талқин қилинганлиги, муқаддаслик хусусиятини намоён қилганлиги, бироқ инсонларда асрлар оша унга нисбатан муносабат ва идрок тарзининг ўзгариб борганлиги тилшунослар томонидан ушбу масалани ўрганишда диний манбаларга ҳам мурожаат қилишни тақозо қилди. Зеро, инсон онги, ақл-заковати орқали идрок қилинадиган ҳодисаларнинг маиший ва илмий таҳлили билан бир қаторда диний талқини ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда тилшунослик соҳасидаги тадқиқотларда замон масаласининг кўпроқ грамматик ва лексик-семантик жиҳатлари ўрганилган, бироқ сўнгги йилларда тилшуносликнинг антропололингвистик парадигмага ўтиши, маиший турмуш ва онгининг онтологик категорияларини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши контекстида замон категориясининг муқаддас матнлардаги талқинини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, унинг концептуал ва лисоний универсалия сифатидаги тадқиқи, шунингдек, мазкур категориянинг лингвомаданий жиҳатлари таҳлилини ўзида мужассамлаштирган фундаментал ишларнинг мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим. Мамлакатимизда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги кунда замон категориясининг муқаддас матнлардаги талқини ва лингвомаданий хусусиятлари масаласининг тадқиқи “диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш” ҳамда “жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш”да муҳим ўрин тутди¹. Ваҳоланки, ҳозирги кунда жамият ва инсон ҳаётида рўй

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармони.

бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисага бугунги кун нуқтаи назаридан қараш, унга замонда юз бераётган ўзгаришлар асосида баҳо бериш заруратга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси” ва шу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида, 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги даврлардан файласуфлар, табиатшунослар томонидан ўрганиб келинган замон масаласи ҳозирги замон тилшунослигида А.В. Бондарко, Г.А. Золотова, М.В. Всеволодова² каби олимлар томонидан функционал-семантик жиҳатдан тадқиқ қилинган бўлса, Ю.С. Степанов, Н.Д. Арутюнова, Т.В. Булыгина, А.Д. Шмелев, А.В. Кравченко³ ва бошқаларнинг ишларида замоннинг баъзи лингвомаданий хусусиятлари қисман акс этади.

Замоннинг этник ва когнитив хусусиятлари Л.Н. Гумилев (халқнинг ёш хусусиятлари), Н.И. Толстой (славян халқи маданиятида замон), С.М. Толстая (славянларда замоннинг аксиологик жиҳатлари), Т.В. Цивьян (фольклорда замон семантикаси), В.М. Мокиенко (замон мифологияси тил призмасида), М.М. Маковский (миф асосидаги лингвомаданий универсалиялар), Л.Н. Плахотнюк (мифологик замон), Л.Н. Михеева (рус лисоний олам манзарасида замон)ларнинг тадқиқотларида акс этган⁴.

² Бондарко А.В. Теория функциональной грамматики. Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. – Л.: Наука, 1987; Золотова Г.А. Аспекты изучения категории глагольного времени // Известия АН СССР. СЛЯ. – 1975. – №3. – С.248-258; Всеволодова М.В. Способы выражения временных отношений в современном русском языке. – М.: Изд-во МГУ, 1975. – 283 с.

³ Степанов Ю.С. Константы: словарь русской культуры. – М.: Академический проект, 2001; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 895 с.; Булыгина Т.В., Шмелев А.Д. Темпоральный дейксис. Общие замечания // Человеческий фактор в языке. Коммуникация, модальность, дейксис. – М.: Наука, 1992. – С.236-242; Кравченко А.В. Глагольный вид и картина мира // Известия РАН. СЛЯ. – 1995. – № 1.

⁴ Гумилев Л.Н. Этнос и категория времени // Гумилев Л.Н. Этносфера: история людей и история природы. – М.: Прогресс, 1993. – 575 с.; Толстой Н.И. Язык и народная культура: Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. – М.: Индрик, 1995. – 512 с.; Толстая С.М. Аксиология времени в славянской народной культуре // История и культура. – М.: Изд-во ИСНБ, 1991; Цивьян Т.В. К семантике пространственных и временных показателей в фольклоре // Когнитивные аспекты языковой категоризации. – Рязань: Изд-во Рязанск. гос. пед. ин-та, 2000. – С.13-16; Мокиенко В.М. Загадки русской фразеологии. – М.: Высшая школа,

Тилшуносликда замонни ўрганишда мазкур категориянинг концепт сифатида тушунилиши янги бурилиш ясади, ушбу масалага Г.А. Брутян, А.В. Кравченко, Е.С. Кубрякова, И.А. Стернин ва бошқаларнинг ишлари бағишланган⁵. Ўрта асрлардан оқ тил универсалиялари мавжудлиги масаласи кўйила бошлаган, В.Гумбольдт, А.Потебня, Л.Вайсгерберларнинг⁶ ишларида асосий эътибор атроф борлиқни концептлаштириш масаласига қаратилган эди, ҳозирги кунда ҳам кўплаб олимларнинг изланишлари тиллардаги универсалияларни тадқиқ қилишга йўналтирилган. Темпорал лексика материалида замон лексик-семантик майдонининг структур-семантик таҳлилини А.П. Клименко, Ю.Н. Караулов, В.В. Морковкинларнинг⁷ тадқиқотларида кузатиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида замон масаласи М. Ҳақимова, Қ. Қодиров, Д. Шодмонқулова, Х. Ахтамова, О. Бозоров ва бошқаларнинг ишларида турли аспектларда акс этирилган⁸, бироқ бугунги кунгача ўзбек тилшунослигида муқаддас матнларда замон категориясини ифодаловчи темпорал сўзларнинг лингвомаданий хусусиятлари масаласига бағишланган махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилшуносликнинг долзарб муаммолари” йўналишида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади муқаддас матнлардаги замон категориясини ифодаловчи темпорал сўзларнинг лингвомаданий хусусиятларини ёритиб беришдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **вазифалар** амалга оширилди:

1990. – 159 с.; Маковский М.М. Язык – Миф – Культура: Символы жизни и жизнь символов. – М.: Институт русского языка, 1996. – 330 с.; Плахотнюк В.Н. Символика религий и культов. Большая энциклопедия символов и знаков. Изд-во Рипол Классик, 2009; Михеева Л.Н. Время в русской языковой картине мира: лингвокультурологический аспект: Дисс. докт. филол. наук. – М., 2004. – 252 с.

⁵ Брутян Г.А. Язык и картина мира // Философские науки. – 1973. – № 1. – С.108-110; Кравченко А.В. Когнитивные структуры пространства и времени // Известия АН СССР. СЛЯ. – 1996-а. – Т.5. - № 3; Кубрякова Е.С. Языковое сознание и языковая картина мира // Филология и культура. Ч. Ш. – Тамбов: Изд-во Тамбовск. ун-та, 1999; Стернин И.А. Методика исследования структуры концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистики: Научное издание / Под ред. И.А. Стернина. Воронеж, 2001.

⁶ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984. – 397 с.; Потебня А.А. Мысль и язык. – Киев: Изд-во З-Е Синто, 1993. – 192 с.; Вайсгербер Л. Родной язык и формирование духа. – М.: Изд-во Московского гос. ун-та, 1993.

⁷ Клименко А.П. Существительные со значением времени в современном русском языке. Канд. дисс. – Минск: 1965. – 19 с.; Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М. – 1976; Морковкин В.В. Опыт идеографического описания лексики (Анализ слов со значением времени в русском языке). – М.: Изд-во МГУ, 1977.

⁸ Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли лугавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. – Фарғона: 2004. – 141 б.; Қодиров Қ.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2004; Шадманкулова Д.Х. Способы выражения временных отношений в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 23 с.; Ахтамова Х. Пайт муносабатини ифодаловчи кўмакчи формалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. - № 1 – Б.47-51; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т.: Фан, 1995.- 132 б.

замон ҳақидаги билимларни табиий ва ижтимоий фанлар кесимида таҳлил қилиш;

замон моделини ташкил қилувчи асосий хусусиятларни аниқлаш ва замон моделларини таснифлаш;

муқаддас матнлардаги замон категорияси лингвомаданий таҳлилининг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

муқаддас матнлардаги замон тўғрисидаги таълимотни лисоний-фалсафий таҳлил қилиш, замон категориясини ифодаловчи темпорал сўзлар доирасини аниқлаш ҳамда уларни ифода ва мазмун жиҳатини ўрганиш;

муқаддас матнлардаги темпораллик маъносининг мусулмон ва христиан халқлари онги ва маданиятида акс этишининг лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш;

муқаддас матнлардаги замон тушунчасининг мақол, матал ва турғун ибораларда воқеланиши ҳамда уларнинг аксиологик хусусиятларини тил ва маданият уйғунлигида ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида муқаддас Қуръон ва Инжил китобларидаги замон категориясини ифодаловчи темпорал сўзлар танланган.

Тадқиқот предмети муқаддас матнлардаги замон категориясини ифодаловчи темпорал сўзларнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Танланган мавзуни ёритишда лингвистик тавсифлаш, қиёсий, лексик-семантик таҳлил, компонент таҳлил ҳамда лингвомаданий таҳлил методлари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсонларнинг замон тўғрисидаги таассуротлари асосида шаклланган замон моделлари асосий икки модел – маиший (профан) ва муқаддас (сакрал) моделлар таркибида субкатегориал моделлар сифатида мавжуд бўлиши ҳамда ҳаётнинг турли жабҳаларида ё маиший, ё муқаддас замонни ифодалашга хизмат қилиши асосланган;

замон категориясининг вербаллашувини тил ва маданият уйғунлигида ўрганишда халқнинг замон ҳақидаги содда тасаввурлари ва муқаддас матнлардаги замон таълимоти ҳамда уларни ифодаловчи темпорал сўзларнинг ҳаётнинг асосий атрибутлари каторига ўтиш динамикасини инобатга олиш муҳимлиги исботланган;

муқаддас матнлардаги темпорал сўзларнинг лингвомаданий жиҳатини ўрганиш оламнинг лисоний манзарасини ташкил қилувчи компонентлардан бири ҳисобланган замон ҳақида янада тўлароқ, синтетик тасаввурни ҳосил қилиши далилланган;

халқ онги ва тасаввурида шаклланган ҳамда мақол, матал, ибораларда воқеланадиган замон маданий кодининг аксиологик хусусияти муқаддас матнлардаги замон таълимоти заминида юзага келганлиги асосланган;

муқаддас матнлардаги динга оид темпорал сўзларнинг кундалик ҳаётда маишийлашуви (профанацияси)да уларнинг семантик таркибида мавжуд

муқаддаслик семаси туфайли лингвомаданий хусусияти фаоллашиши очиб берилган.

Тадқиқотда қуйидаги натижаларга эришилди:

турли фанларда универсал ҳисобланган замон категориясига берилган таърифлар таҳлил қилинган ҳамда муаллифлик нуқтаи назаридан тавсифланган, ушбу назарияларнинг умумий ва хусусий томонлари акс эттирилган;

инсонлар тасавурида қадимдан шаклланиб келган замон моделларининг янги таснифи тузилган;

муқаддас матнлардаги замон категориясини тил ва маданият уйғунлигида ўрганишнинг назарий асослари ишлаб чиқилган;

замон тўғрисидаги илк мифологик ва диний тасаввурлар илмий таҳлил қилинган;

Қуръони карим ва Инжилда фаол қўлланилган темпорал сўзлар доираси аниқланган ҳамда мазкур сўзларнинг лексик-семантик таҳлили асосида уларнинг лингвомаданий хусусиятлари очиб берилган;

замон категориясининг турли сўз туркумлари доирасида намоён бўлишидаги фарқли томонлар ёритилиши асосида баъзи темпорал сўзларнинг семантик таркибида изоҳли луғатларда акс эттирилмаган муқаддаслик маъно компонентлари ҳам мавжудлиги далилланган;

муқаддас матнлардаги темпоралликнинг мақол, матал ва турғун ибораларда воқеланишида лингвомаданий хусусиятлар яққол намоён бўлиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг изчиллиги, уларни далилловчи маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тўпланган материал таҳлилининг илмий ва методологик жиҳатдан асосланганлиги, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти муқаддас матнлардаги замон таълимотининг талқини ва уни вербаллаштирувчи воситаларнинг лисоний таҳлилида лингвомаданий ёндашувнинг назарий асослари, қўлланилган тадқиқот методлари ҳамда олиб борилган таҳлиллар натижасида эришилган хулосалар борлиқ, онг, тил ва маданиятнинг бошқа онтологик ва универсал категорияларини илмий тадқиқ қилишда қўлланилиши ҳамда истиқболда ривожлантирилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг хулосалари ва материалларидан олий таълим муассасаларида умумий тилшунослик, лингвокультурология, лексикология, когнитив семантика, матн таҳлили, дин тарихи каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда унумли фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижа ва материаллари илмий

тадқиқот олиб бориш жараёнида (диссертация, монография, мақола ва ҳ. к.) ҳамда ўқув қўлланмалар, идеографик луғатлар тузишда муҳим манба бўла олади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муқаддас матнларда замон категориясининг талқини, унинг лингвомаданий хусусиятларининг темпорал сўзлар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталларда ифодаланишини тадқиқ этишга оид илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

муқаддас матнларда замон категориясининг муқаддас (сакрал) ва маиший (профан) моделлари, уларни вербаллаштирувчи темпорал сўзларни тил ва маданият уйғунлигида ўрганишда халқнинг замон ҳақидаги содда тасаввурлари ҳамда муқаддас матнлардаги замон тўғрисидаги таълимотнинг муҳим ўрин тутиши, ушбу темпорал сўзларнинг лингвомаданий жиҳатлари оламнинг лисоний манзарасини ташкил қилувчи компонентлардан бири ҳисобланган замон ҳақида янада тўлароқ, синтетик тасаввурни ҳосил қилиш имконини бериши тўғрисидаги ва бошқа илмий натижалар Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 августдаги 89-03-3018-сонли маълумотномаси). Натижада тилни антропоцентрик парадигма доирасида тадқиқ этиш асосида маиший (профан) ва муқаддас (сакрал) замон моделлари, шунингдек, уларни ташкил қилувчи субкатегориал моделлар каби янги тушунчалар орқали замон тушунчасининг моҳияти тўлиқ очиб берилган;

муқаддас матнлардаги темпорал сўзларнинг лингвомаданий жиҳатлари оламнинг лисоний манзарасини ташкил қилувчи компонентлардан бири ҳисобланган замон ҳақида янада тўлароқ, синтетик тасаввурни ҳосил қилиши, халқ онги ва тасаввурида шаклланган замон маданий кодининг аксиологик хусусиятлари муқаддас матнлардаги замон таълимоти заминидан юзага келганлиги хусусидаги илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университетидан бажарилган ИТД-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» номли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 августдаги 89-03-3018-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу амалий лойиҳа доирасида бакалавриат йўналиши учун лексикология, умумий тилшунослик, маданиятлараро мулоқот ва таржимашунослик бўйича яратилган ўқув қўлланмаларни тайёрлашда замон категориясининг моҳиятини изохлашда фойдаланилган;

тилнинг турли бирликлари воситасида замон категориясининг оламнинг лисоний манзарасида намоён бўлишидаги миллий ўзига хослиги тўғрисидаги таҳлилий фикрлар асосида тайёрланган радиоэшиттириш Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан

«Бедорлик» дастурининг 2018 йил 11 августдаги сониди эфирга узатилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг 2018 йил 10 августдаги 8-1-138-сонли маълумотномаси). Натижада муқаддас матнларда замон тушунчасининг талқини, унинг турли тил бирликларида воқеланиши ёритиб берилган ҳамда оламнинг лисоний манзарасида замон категориясининг миллий ўзига хослигини асослашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика анжуманларида ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 15 та илмий тезис ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, шу жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Диссертациянинг **“Замон” фалсафий ва лисоний категориясининг назарий асослари**” деб номланган 1-бобида замон мавзусининг фанлар кесимида ўрганилиш тарихи, замоннинг инсоният тараққиётининг турли босқичларида халқ тасаввурида шаклланган моделлари ва турлари, шунингдек, муқаддас матнлардаги замон категориясининг лингвомаданий таҳлили масалалари ёритилган.

Рус олими Н.М. Шанский замонни “абдийлик, давомийлик, йўналтирилганлик, узлуксизлик, ўзига хослик каби хусусиятларга эга бўлган физик-фалсафий тушунча” сифатида эътироф этади⁹. Ҳақиқатан, замон категориясининг ўрганилиши дастлаб фалсафий қарашлар билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик бошқа хусусий фанларнинг пайдо бўлиши билан ушбу масала **табiiй фанларда** тадқиқ қилина бошлади. Хусусан, физика

⁹ Шанский Н.Н. Этимологический словарь русского языка. В 2-х т., т.1, вып.3. – М., 1965. – С. 212.

соҳасидаги замон масаласини ўрганиш бўйича дастлабки ютуқлар туфайли кўплаб саволларга жавоб топиш имкони юзага келди. XVII аср физиклари, жумладан, И. Ньютон томонидан замоннинг универсал категория сифатида тан олиниши ҳамда унга содир бўлаётган физик воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлувчи ўлчам мақомининг берилиши ушбу категориянинг ўрганилиш тарихида муҳим ўрин тутади.¹⁰

XX аср физикаси янги тушунчани – нисбийлик назариясини тақдим қилди. А. Эйнштейн томонидан “замон ўз ҳолича эмас, балки унда содир бўлаётган жараёнлар билан боғлиқликда мавжуд бўлиши тўғрисидаги ғоя¹¹ илгари сурилди.

Кейинчалик физик замон ғояси ривожлантирилган Д. Бом, Б. Рассел, Р. Карнап (физик замон масаласи), А. Грюнбаум (макон ва замон тўғрисидаги физик-математик таълимотларнинг фалсафий жиҳатлари), Г. Рейхенбах (замоннинг метрик хусусиятларининг физика томонидан ўрганилиши), В.И. Вернадский (ҳаётий ҳодисалар, жонли макон билан боғлиқ биологик ёки органик замон масаласи), И. Кант (Сомон йўли эволюцияси), Ж. Уитроу (фазовий замон, унинг оқими ва унинг йўқ қилиниши) каби олимларнинг ишлари диққатга сазовор. Хуллас, “эски” метафизиканинг фикрича, замон буюк метафизик сир ва парадоксдан иборат. Фалсафа эса ушбу сир ва парадоксни ўзининг бутун тарихи давомида тушунтиришга уриниб келди.

Шундай қилиб, замоннинг **ижтимоий фанлар** кесимида, хусусан, фалсафада ўрганилиши ушбу тушунчанинг умумийлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. И. Кант томонидан замоннинг умумийлиги, фалсафийлиги масаласи кўтарилар экан: “Биз учун табиатшунослик томонидан ҳам тасвирланмаган, “ички ҳиссиётимиз” орқали идрок қилинмаган ва фақат махсус назарий таҳлил қилиниши мумкин бўлган алоқалар ўлчами, воқеалар боғлиқлиги, уларнинг белгиланиши ва ўзини ўзи белгилаш ўлчами замон масаласига соф фалсафий қизиқишнинг бевосита предмети ҳисобланади” дея эътироф этади¹².

Ўз даврида Платон замонни мавжудликдан ажралмас бир нарса сифатида, унинг шогирди Аристотель – ҳаракатнинг ўлчами, Гегель эса – фаол билимнинг объектив зарур бўлган тарихий ифодаланиши сифатида таърифлаганлар¹³. Шунингдек, Беруний, Ар Розий, Форобий, Ибн Сино, Навоий каби шарқ мутафаккирлари ҳам замон тўғрисидаги илмий-фалсафий қарашларини фанга тақдим этганлар¹⁴.

¹⁰ Ньютон И. Математические начала натурфилософии. – Пт.: Тип. М.М. Стасюлевича, 1915-1916. – С. 30-31.

¹¹ Эйнштейн А. Сущность теории относительности. – М., 1955, 31-б.

¹² Трубников Н.Н. Время человеческого бытия. – М.: Наука, 1987, 113-б.

¹³ Платон. Сочинения: В 3 т. Т.2. – М.: Мысль, 1970. – 611 с.; Аристотель. Сочинения: В 4т. Т.3. – М.: Мысль, 1981. – 613 с.; Гегель. Г.В.Ф. Энциклопедия философских наук. Том 3. Философия духа. – М.: Мысль, 1977. – 501 с.

¹⁴ Философия луғати. Тошкент: Ўзбекистон, 1976; Баратов М. Ибн Сино этикаси. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 4-13; Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрларда фалсафий фикр. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 3-47.

Ҳозирги замон фалсафашунослари замоннинг шахсий, шунингдек, ижтимоий онгда, маданият ривожиди маънавий жараёнларни ҳам характерлай олишини тан олишмоқда. Бу борада мантиқшунос олим Л. Витгенштейн шундай ёзади: “Тилимнинг (мен тушунадиган ягона тилнинг) чегараси менинг оламим чегарасини англатади”¹⁵. Шундай қилиб, замон категориясининг фалсафий талқини Н.Н. Трубников, М.С. Каган, Ю.Б. Молчанов, В.П. Казарян, М. Хайдеггер, Э. Гуссерль, П.П. Гайденколарнинг ишларида, замоннинг психологик талқини А.Бергсон, мифологик талқини О. Шпенглер, замон ва тарихнинг ўзаро алоқаси В. Дильтей, замон ва макон мавзусининг ижтимоий-тарихий турмуш шакллари сифатидаги масаласи Г.Е. Зборовский, Э.А. Елизарьев, И.А. Сафонов, И.В. Блауберг, Э.Г. Юдин, Б.А. Грушин, А.Я. Гуревич, А.И. Уваров ва бошқаларнинг тадқиқотларида кузатилади.

Замон категориясининг табиий фанларда, шунингдек, фалсафа, тарих, психология, қолаверса, социология, маданиятшунослик соҳаларида кўпроқ ўрганилганлиги билан қиёслаганда **тилшунослик фанидаги**, айниқса, лингвوماданиятшунослик соҳасидаги замон тадқиқи ҳали дастлабки босқичда эканлигини айтиш мумкин. Тилшуносликда замон дастлаб маиший, онтологик категория сифатида тадқиқотлар предмети бўлган. Бироқ ушбу фаннинг антропологик парадигмага ўтиши замон категориясига янгича ёндашувни белгиловчи муҳим тенденциялардан бири бўлди (тилнинг антропоцентриклиги ғояси – дастлаб В. фон Гумбольдт таълимотида акс этган). Хусусан, ўтган асрнинг 80-йилларида Ю.Н. Караулов “мутлақо аниқ миллий тилни унинг эгаларининг маълум тарихий, этник, ижтимоий ва психоллингвистик хусусиятлари билан биргаликда таҳлил қилиш зарурияти” тўғрисида ёзади¹⁶.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кундаги тадқиқотларда тил ва инсоннинг ягона назариясини яратишга, тил назарияси ва инсон назариясини ягона онтологияга бирлаштиришга уринишлар кузатилмоқда (М. Хайдеггер, 1993; А. Вежбицкая, 1996; В.Н. Телия, 1996; Н.Д. Арутюнова, 1998; А. Бергсон, 2007; 1999; Е.С. Кубрякова, 2012; В.А. Маслова, 2004; З.Д. Попова, И.А. Стернин, 2007; А.А. Абдуазизов, 1981; А.Э. Маматов, 1991; Д.У. Ашурова, 2009; Н.М. Джусупов, 2011; Р.У. Маджидова, 2008; С.Е. Исабеков, 2010; З.К. Ахметжанова, 2012; Н. Махмудов, 2012; Д. Худойбергана, 2013; Г.Х. Раҳимов, 2017 ва б.).

Замон тушунчасининг халқ турмуш тарзи ва маданияти билан боғлиқлиги масаласига қатор олимларнинг тадқиқотлари бағишланган (Л.Н. Гумилёв, В.В. Иванов, В.Н. Топоров, Н.И. Толстой, С.М. Толстая, Т.В. Цивьян, С.Е. Никитина, В.П. Нерознак, В.М. Мокиенко, Л.Н. Плахотнюк, М.М. Маковский ва б.). Шунингдек, тилшунослар тадқиқотларида замон

¹⁵ Витгенштейн. Логико-философский трактат. – М.: Изд-во инст. лит-ры, 1958. - 8-б.

¹⁶ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. - 3-б.

масаласи (соф грамматик жиҳатдан эмас) асосан лексик-семантик майдонлар ва темпорал лексика материалида ўрганилганлигини таъкидлаш лозим (масалан, А.П. Клименко – замон маъносини англатувчи отлар (1965); Н.В. Ивашин – замон микротизими элементлари ўртасидаги семантик муносабатлар (1977); Д.Г. Ищук – замоннинг лексик-семантик майдони (1995)). Умумий “семантик” тенденция замоннинг лексик-семантик майдони (ЛСМ) ва алоҳида лексик-семантик гуруҳларини (ЛСГ) ўрганишга туртки берди (Л.В. Гарская, И.В. Волянская, А.П. Клименко, Ю.Н. Караулов, В.В. Морковкин, А.Х. Аскарлова, Е.С. Яковлева).

“Замон” тушунчасининг ўрганилиш тарихидан яна маълум бўладики, унинг қадимги даврлардаёқ шаклланган ва бугунги кунгача сақланиб қолган турли моделлари мавжуд, улар жамият тарихининг турли даврларида инсон онгининг ривожланиши билан боғлиқ тарзда ўзгариб келган. Жумладан, тарихшунос А.Я. Гуревич кузатишлари асосида келган хулосасига кўра, ўрта асрлардаёқ замонга бўлган муносабатларнинг хилма-хиллиги асосида инсонлар онгида унинг табиатга хос (аграр), ёки, даврий; шажаравий (ёки генеалогик, сулолавий); инжилга оид (ёки мифологик); даврий-тарихий каби бир неча моделлари шаклланган¹⁷.

Шу тарзда замон моделлари А.Я. Гуревич, М.С. Каган, И. С. Кон, А.Н. Лой, В.П. Яковлев, М.Ф. Мурьянов, А.Г. Левич, Г.Х. Вригт, В.И. Постовалова, Ю.С. Степанов, Т.И. Дешериева, Ю.Н. Караулов, С.Е. Никитина, К.Г. Красухин, Н.К. Рябцева, Н.А. Потаенко, Е.С. Яковлева, Д.Г. Ищук, Н.Д. Арутюнова каби турли олимлар томонидан таснифланган ва таърифланган. Масалан: *бир йўналишли* замон модели – замон фақат ўтмишдан келажак сари илгарилари; *даврий замон* – унинг баъзи қисмлари (*йил фасллари, деҳқончилик мавсумлари ва ҳ.к.*) такрорланиб туриши; *реал (физик) замон* – замоннинг белгиланган ўлчовлар асосида ўтиб бориши; *мифологик замон* – халқнинг илк мифологик тасаввурлари асосида шаклланган замон, *тарихий замон* – реал воқеа-ҳодисаларнинг замонда локаллашуви; *шажаравий замон* – авлодлар ўртасидаги алоқанинг замонда давом этиши; *перцептуал замон* – инсоннинг ҳиссий қобилияти орқали идрок қилинадиган замон; *муқаддас замон* – муқаддас матнлар ва диний анъаналар асосида англанадиган замон; *аксиологик замон* – замоннинг қадрият сифатида қабул қилиниши ва ҳ.к.

Бизнингча, муқаддас матнлардаги замон категориясининг талқини ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, замон моделларининг айнан универсал хусусиятлари асосида уларни янгича таснифлаш мақсадга мувофиқ [1.1-расмга қаранг].

¹⁷ Гуревич А.Я. Представления о времени в средневековой Европе // История и психология. – М.: Наука, 1971. 192-б.



1.1-расм. Замон моделлари таснифи

Унга кўра, *муқаддас (сакрал)* ва *маиший (профан)* замон моделлари асосий моделлар, шунингдек, *тарихий*, *даврий (литургик)*, *сакрал (фазовий, диний)*, *концептуал*, *бадий*, *аксиологик*, *нисбий* моделлар муқаддас (сакрал) замоннинг субкатегориал моделлари сифатида; *бир йўналишли*, *тарихий (диахрон, актуал)*, *даврий (аграр)*, *реал (физик, маиший)*, *шажаравий (эпик)*, *перцептуал*, *бадий* моделлар маиший (профан) замоннинг субкатегориал моделлари сифатида тасвирланиши мумкин. Чунончи, санаб ўтилган субкатегориал моделлар икки асосий моделни турлича акс эттирувчи кўринишлари сифатида инсонлар онгида ўрнашган.

Ҳозирги кунда олам тўғрисидаги билимларни мужассамлаштиришга комплекс ёндашув, изоморфлик, яхлитлик, тизимлилик принциплари замон категориясининг лингвомаданий тадқиқида методологик асос сифатида хизмат қилиши ҳамда оламнинг лисоний манзарасидаги унинг ўрнини белгилаш имконини бериши ҳам мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда, муқаддас матнлардаги замон категориясининг лингвомаданий таҳлилининг 1) замоннинг моҳиятини очиб берувчи умумийлик ва муқаддаслик; 2) муқаддас матнга хослик; 3) антропоцентрик омил; 4) замон категориясининг лисоний воқеланиши каби хусусиятларига таянувчи назарий асослари ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг “Замон категориясининг муқаддас матнлардаги талқини” деб номланган 2-бобида замон ҳақидаги илк мифологик тасаввурлар, Қуръони карим ва Инжилдаги замон тўғрисидаги таълимотлар лисоний-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мифологик таълимотни тадқиқ қилган машҳур олим М. Элиаде мифга шундай таъриф беради: “Миф муқаддас тарихни баён қилади, “барча ибтидоларнинг ибтидоси” бўлган унутилмас замонларда бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қилади. Миф ғайритабiiй мавжудотларнинг ҳаракати туфайли воқеликнинг, хоҳ у чексиз фазо ёки бор йўғи орол, ўсимлик дунёси,

инсон хулқ-атвори ёки давлат тартиб-қоидаси бўлсин, уларнинг қандай қилиб мужассамлашгани ва амалга ошгани тўғрисида сўзлаб беради”¹⁸. Демак, мифлар энг қадимги тарих тўғрисидаги маълумот манбаси сифатида замон тўғрисидаги илк тасаввурлар ва уларнинг лисоний ифодаси ҳақида ҳам маълум даражада билимларни етказиш вазифасини бажаради. “Архаик” онгда жамоанинг хотирасидаги воқеалар вақт ўтиши билан мифларга айланиб боради. Бунда ўтган замон билан ҳозирги замон ўртасида аниқ фарқ йўқ, зеро ўтмиш қайта ва қайта гавдаланаверади, ҳозирги замоннинг реал мазмунига айланиб қолади. Ҳаёт эса абадийлик қаърига шўнғийди.

Ушбу манбалардан кўриш мумкинки, қадимда кишилар тасаввурида замоннинг дастлаб бир йўналишли ва даврий моделлари шаклланган, яъни замон бир йўналиш асосида даврий такрорланишни англатган. Аграр турмуш тарзига асосланган инсоният учун замон йил фаслларининг алмашинуви, деҳқончилик ишларини йил давомида тақсимлаш, табиат ҳодисаларининг даврий равишда рўй бериши, инсон умрининг ўтиб бориши, кундалик ҳаётдаги маиший юмушларнинг тартибга солиниши кабилар билан боғлиқ бўлган. Масалан, қадимги ҳинд тилида *Vartana* дастлаб “айланадиган нимадир” маъносини англатган¹⁹. Рус тилидаги *время* (вращать), латин тилида *vector, orbis* сўзлари ҳам ушбу маъно билан боғлиқ.

Замонга, унинг даврийлигига хос бўлган тушунчаларнинг қадимги номланишида табиат цикллари, фазо жисмларининг ҳаракатланиши, мифологик тасаввурлар муҳим ўрин тутган. Шунингдек, аграр жамиятда тақвим (календарь) асосан қишлоқ хўжалиги мавсумлари кетма-кетлигини акс эттирган. Масалан, қадимги скандинавларда май ойини “*тухум йиғиши палласи*”, октябрни – “*ҳайвон сўйиши ойи*” (бу ном ҳозиргача швед тилида сақланиб қолган), декабрни – “*ҳайвонларнинг жуфтлашиши ойи*” тарзда номлашган. Ёзни эса “*омоч ва ҳосил гарами оралиғидаги*” вақт дея аташган²⁰. Ўзбек халқи табиат мавсумларини: *қишнинг чилласи, ўрик гуллаганда, ўрик пишиги пайти, гўза гули пайти, пахта терими пайти, эрта баҳор, экин экиши даври* ва ҳ.к кўринишида ифодалашган. Баъзан эса миф ва асотирларга хос бўлган замонга оид ифодалар қўлланган: *аямажуз пайти* (арабча: айём ажуз – кампир кунлари), *Азиз момо олти кун. Қаҳри келса – етти кун*. Хуллас, табиат ҳодисалари ва деҳқончилик мавсумлари номлари замон мўлжаллари сифатида қўлланилган.

Шундай қилиб, қадимги халқларнинг мифологик онги уларнинг диний дунёқарашига сезиларли таъсир ўтказган дейиш мумкин. Миф ўзига хос икки ёқламалик (дуализм) хусусиятига эга, ваҳоланки, у ҳақиқий (профан) дунёга, бир вақтнинг ўзида муқаддас (сакрал) дунёга тегишли (чунки илоҳий мавжудотларнинг фаолияти натижаси ҳисобланади). Бундай икки ёқламалик

¹⁸ Элиаде М. Аспекты мифа. OZON.ru, 2010. - С. 15.

¹⁹ Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. В 4-т. – М.: Астрель: АСТ, 2007. – С. 361-362.

²⁰ Ульвдалир. Эпоха викингов, история скандинавии. 2004-20018, глава 5, С. 473-487. (Ulfdalir 2004-2018, ulfdalir#yandex.ru, Хальвдан)

муқаддас замонни ҳақиқий дунёда (борлиқда) тиклаш имконини беради. Дунё билимларига илмий ёндашувга эга бўлмаган кўплаб қадимги халқлар маданияти учун коинотнинг тартибга келтирилиши ва инсоннинг унинг таркибидаги ўрни тўғрисидаги мифлар муҳим роль ўйнаган. Замон тўғрисидаги тасаввурларни ўз ичига олган бундай мифлар турли маданиятларда ўхшаш ва ноўхшаш хусусиятларга эга бўлган ҳамда замонавий илмий таълимотдан кескин фарқ қилган.

Христианликдаги замон фалсафаси талқинини Августиннинг “Истиғор” (“Исповедь”)ида (IV-V асрлар) “замон ўзи нима?” деган саволга: “Ҳали ҳеч ким мендан у ҳақида сўраётгани йўқ, мен ҳеч қийналмасдан тушунаман; аммо бу ҳақида қанчалик тез орада жавоб беришни хоҳлаганим сари боши берк кўчага кириб боряпман”²¹ дея берган жавоби орқали тушуниш мумкин. Августин фикрига кўра, замон антропологик хусусиятга эга, бу ички реаллик, фақат қалбгина уни идрок қилади, аммо унинг лисоний ифодаси мураккаб масала.

Исломда замон тушунчаси икки хил тарзда – кундалик турмуш тажрибасига ва муқаддас таълимотга оид ҳолда талқин қилинган. Бошқача айтганда, маиший (профан) замон муқаддас (сакрал) замон моҳиятини ёритишга хизмат қилган: “...Шунингдек, тонггача, яъни оқ ипни қора ипдан ажратса бўладиган вақтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача (қуёш ботгунча) рўзани бенуқсон қилиб тутинглар!...” (Қуръони карим, 2: 187)²².

Қуръони Карим ва Инжил китобларида замон таълимоти ушбу категорияга хос муҳим жиҳатларни акс эттирганлигини кўриш мумкин:

– замон ўзига хос психологик идрок маҳсули ёки замонни идрок қилиш воқеаларнинг содир бўлиш шарт-шароитлари ва ўрни (макони)га боғлиқ (нисбий замон): “У сизларни чорлайдиган кунда Унга ҳамд (айтиш) жавоб берурсизлар ва ўзларингизнинг (дунёда) оз (муддат)гина турганларингизни ўйлаб қолурсизлар” (Қуръони карим, 17:52);

– замон ва макон мутлақо Оллоҳнинг ҳукмида: “У осмондан ергача бўлган барча ишни тадбирини кўрар (бошқарар), сўнгра (бу ишларнинг барчаси) сизларнинг ҳисобингизча минг йилга тенг бўладиган (бир) Кунда (яъни қиёматда) Унинг Ўзига кўтарилур” (Қуръони карим, 32: 5);

– инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти Парвардигор томонидан фарз қилинган амалларни ўз вақтида бажариш, қиёмат кунида гўзал оқибатга эришиш ва абадий бахтли ҳаётга лойиқ бўлишдан иборат: “...(Тонгда уйқудан) турган пайтингизда, Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг!” (Қуръони карим, 52: 48);

– замон (вақт) дунёнинг яратилиши, мавжуд бўлиши, хусусан, инсон ҳаёти учун улкан аҳамиятга эга: “Аср (вақти)га қасамки, (ҳар бир) инсон зиён (бахтсизлик)дадир. Фақат имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган, бир-

²¹ Августин А. Исповедь. – М.: Республика, 1992 – С. 167.

²² Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. – 618 б.

бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига сабрли бўлишни тавсия этган зотларгина (бундан мустаснодирлар)” (Қуръони карим, 103:1-3);

– дунёвий замон ва абадийлик турли дунёларга тегишли бўлган мавжуд бўлишнинг икки ҳар хил усуллари ҳисобланади: «...видимое временно, а невидимое вечно» (Коринфянам 4:18). «Когда умрет человек, то будет ли он опять жить? Во все дни определенного мне времени я ожидал бы, пока придет мне смена»²³. (Иов 14:14);

– замон материя мавжуд бўлиш вақти (инсон умри) чекланганлигини кўрсатувчи ўлчам ҳамдир: «В Твоей руке дни мои» (Псалтирь 30:16а);

– ердаги ҳаёт ўз қийинчиликлари ва ғам-ташвишлари билан инсон ўлимидан сўнг кутиладиган мангулик олдида вақтинчалик ҳисобланади: «Ибо думаю, что нынешние временные страдания ничего не стоят в сравнении с тою славою, которая откроется в нас» (Римлянам 8:18);

– замон ва материя ўзаро боғлиқ, бир субстанция (мавжудот)нинг йўқ қилиниши иккинчиси (борлик) мавжуд бўлишининг якунига (замон охирига) олиб келади: «Придет же день Господень, как тать ночью, и тогда небеса с шумом прейдут, стихии же, разгоревшись, разрушатся, земля и все дела на ней сгорят» (2 Петра 3:10);

– сўнгги кунларни бошдан кечираётганини билган ҳолда, инсон ўз умрини кўркув ва ҳавотир билан яшаб ўтиши, вақтни кадрлаши ҳамда берилган вақтдан оқилона фойдаланиш муаммоси устида бош қотириши зарур: «Сын мой! наставления моего не забывай, и заповеди мои да хранит сердце твое; ибо долготы дней, лет жизни и мира они приложат тебе» (Притчи 3:1,2). «Научи нас так счислять дни наши, чтоб нам приобрести сердце мудрое» (Псалом 89:12). «Не люби спать, чтобы тебе не обеднеть; держи открытыми глаза твои, и будешь досыта есть хлеб» (Притчи 20:13).

Хуллас, диний таълимотларда замон бир йўналишли ва қайтмас бўлиб борди, аммо у “векторлик” хусусиятига эга бўлган ҳолда даврийликдан ҳалос бўлолмади. Аслида эса замон инсон кўз ўнгида бир йўналишли кетма-кетлик тарзида намоён бўлади, аммо дунёвий тарих, умуман олганда, якун топадиган даврийликдан иборат: инсон ва олам Яратувчи олдига қайтади, замон эса – абадийликка. Шунингдек, даврийлик ҳар йили такрорланувчи диний байрамлар, ҳар куни бажарилувчи диний амалларда ҳам акс этади. Уларнинг лисоний ифодаси эса тилнинг фаол қатламига ўрнашган. Келтирилган мисоллардаги каби замон категориясини ифодаловчи сўзлар муқаддас матнлардаги замон таълимотининг моҳиятини ёритишга, замонни муқаддас тушунча сифатида белгилашга хизмат қилади.

Диссертациянинг “Муқаддас матнлардаги замон категориясининг ифода ва мазмун планидаги” деб номланган 3-бобида муқаддас матнларда

²³ Библия. Книги священного писания нового и ветхого завета. М.: Российское библейское общество. – 1999. – 291 с.

замон категориясини вербаллаштирувчи бирликлар, яъни темпорал сўзларнинг ифода ва мазмун планидаги таҳлили амалга оширилган.

Муқаддас матнларда энг кўп учрайдиган темпорал сўзларни замонни ифодалаш усуллари ва улар ўртасидаги фарқлар асосида тўрт мустақил сўз туркумлари – от, равиш, сифат ва феъл доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1) отлар маълум вақт оралиғини номлайди ва бу орқали замонни қайсидир даражада “предметлаштиради” – *кун* (нима?);

2) равишлар замонда локаллашув ёки иш-ҳаракат, жараённинг суръатига ишора қилади – *илғари* (қачон?), *тез* (қай ҳолатда?);

3) сифатлар предмет ёки жараённинг замон билан боғлиқ белгисига ишора қилади – *кечаги* (қайси?);

4) феъллар замонни грамматик категория сифатида намоиш қилади, иш-ҳаракат ва жараёнга ишора қилади – *кечикмоқ* (нима қилмоқ?).


Олмош ва сон сўз туркумларига оид сўзлар мустақил равишда замонни ифодалай олмайди, улар фақатгина темпорал отлар билан бирикканда ёки отлашгандагина замонга ишора қилиши мумкин: “*(Эй инсон), сен бу (огир Кун) дан зафлатда эдинг. Бас, Биз сендан пардангни очиб юбордик. Энди бу Кун сенинг кўзинг ўткирдир*” (Қуръони Карим, 50:22) .

Бундан ташқари, *қачон? қанча?* сўроқ олмошлари кўшма гапларда боғловчи воситасида қўлланилиши билан бирга келаси замоннинг номаълум пайтини ва номаълум вақт оралиғини ифодалайди: “*...Қачон хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Аллоҳ қандай ўргатган бўлса, шундай ҳолда (яъни намознинг барча арконларини ўрнига қўйиб) Аллоҳни зикр қилингиз!*” (Қуръони Карим, 2: 239). “*Ерда йиллар ҳисоби бўйича қанча турдинглар?*” – *деди (Аллоҳ)*” (Қуръони Карим, 23: 112).

Муқаддас матнлардаги темпорал сўзлар ичидан замонни “соф” ҳолда ифодаловчи сўзларни ажратиш мақсадида уларнинг изоҳли луғатларда кўрсатилган ва муқаддас матнларда ифодалаган маънолари ўрганилиши натижасида от, равиш ва сифат туркумига кирувчи сўзларнинг семантик тузилишида асосий сема “замон” ҳисоблангани туфайли соф темпорал сўзлар гуруҳига кириши мумкинлиги, феълларда эса “ҳаракат” ёки “жараён” семаси “замон” семасидан кучли бўлганлиги сабабли уларнинг мазкур гуруҳга киришига йўл бермаслиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, муқаддас матнлардаги темпорал лексикани ажратишда замонни ифодалаш билан боғлиқ бўлган уларнинг умумий ва хусусий категориал маънолари ҳам муҳим роль ўйнайди. Зеро, сўз (ёки луғавий бирлик) тилнинг лексик-семантик тизимининг кенг контекстида ўзининг парадигматик алоқалари ва таққосланишларида ўрганилади.

Бизнингча, муқаддас матнларда замон категориясини ифодаловчи темпорал сўзларнинг лексик-семантик таҳлили асосида уларни қуйидагича таснифлаш мумкин [3.2-расмга қаранг]:



3.2-расм. Муқаддас матнлардаги темпорал сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари

Ушбу таснифга кўра, муқаддас матнлардаги темпорал сўзлар икки катта гуруҳга ажратилади:

1. Жараён давомийлигини ифодаловчи сўзлар (*кун, соат, йил, аср, абадий, мангу, идда, айрилиқ, гафлат, узоқ, тез, секин, кеча, бугун, давомли, бир нафаслик, тўрт кунлик, беш кунлик, лаҳзалик, узоқлаштирмоқ, шошилмоқ, қанча ва ҳ.к.*).

2. Иш-ҳаракат содир бўлиш пайтига ишора қилувчи сўзлар (*қиёмат, охират, оқибат, ўшанда, Кун, Соат, ажсал, якун, охир, аввал, аввалгилар, илгари, сўнгра, яқинда, замондош, балогат, аввалги, илк бор, ўтганлар, ҳар қачон, келажак (гайб), ўшанда, янги, йироқ, чоғ, бошида, кечки, қачон ва ҳ.к.*).

Биринчи гуруҳ ўз навбатида маълум давомийлик ва номаълум давомийлик гуруҳларига бўлинади. Номаълум давомийлик гуруҳи учта кичик гуруҳларга ажратилади: а) меъёрдан кам бўлган номаълум давомийлик (*қисқа, эрта, яқин, секин*); б) меъёрдан ортиқ бўлган номаълум давомийлик (*узоқ, йироқ, чўзилмоқ*); в) чекланган номаълум давомийлик (*ҳаёт, умр, сабр-тоқат, муҳлат, муддат, қанча, оқшом ва ҳ.к.*).

Иккинчи гуруҳ эса а) ҳисоб нуқтасига нисбатан олинмаган пайт (*бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон, кеча ва ҳ.к.*); б) нутқ пайтига нисбатан олинган пайт (*аввал, аввалгилар, илгари, сўнгра, яқинда, замондош ва ҳ.к.*); в) давомийликнинг якуний нуқтасига нисбатан олинган пайт (*қиёмат, охират, оқибат, ўшанда, Кун, Соат, ажсал, якун, охир, вояга етмоқ*) каби гуруҳларга ажратилади.

Муқаддас матнлардаги темпорал сўзларнинг лексик-семантик таҳлили асосида тузилган мазкур таснифда баъзи темпорал сўзларнинг изоҳли луғатларда кўрсатилмайдиган, аммо муқаддас матнда орттириладиган маънога эга бўлиши ҳамда бир пайтнинг ўзида икки хил лексик-семантик гуруҳга ҳам тегишли бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Масалан, Қуръонда *кун* ва *соат* (аналогик тарзда Инжилда *день*, *час*) сўзлари одатдаги профан маъносидан узоқлашиб, *қиёмат* сўзининг синоними сифатида ишлатилади ҳамда **Жараён давомийлигини ифодаловчи сўзлар** гуруҳидан **Иш-ҳаракат содир бўлиш пайтига ишора қилувчи сўзлар** гуруҳига ўтиб қолади: “(Аллоҳ) деди: “Бас, сен маълум вақтда етиб келадиган **Кунгача** (қиёматгача) муҳлат берилганлардансан” (Қуръони Карим, 38: 80-81).

